БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МАОРИФ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ЭТИЛИШИ (1920 1924 ЙИЛЛАР)

Ҳамза Жўраев
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро Халқ Совет Республикасида совет таълим тизимининг ташкил этилиши билан боғлиқ жараёнлар кўрсатиб ўтилган. Совет давлати томонидан мактаблар (дорулмуаллим, ўқув юртлари ташкил этилган, кенг таълим тизими йўлга қўйилган бўлса да,бу борада кўплаб муаммо ва камчиликлар бўлганлиги мисоллар асосида кўрсатиб ўтилган Совет давлати ҳукмронлиги йилларида халқ таълими тўлиқ ҳукумрон коммунистик мафкура исканжасида булиб, таълим тизимида тарбияланувчиларнинг миллий хусусиятларига эътибор берилганлиги архив ҳужжатлари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Совет ҳокимияти, шўро давлати, маориф назорати, Халқ Маориф Комиссарлиги, маданий инқилоб сиёсати

REFORM OF THE EDUCATION SECTOR IN THE BUKHARA PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC (1920-1924)

Hamza Jurayev
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article describes the processes associated with the establishment of the Soviet education system in the Bukhara People's Soviet Republic. Although the Soviet state established schools (teachers, educational institutions, a comprehensive education system), there were many problems and shortcomings in this area. based on archival documents.

Keywords: Soviet power, Soviet state, education control, People's Commissariat of Education, policy of the cultural revolution

КИРИШ

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардан бошлаб, миллий маданият соҳасида ҳам ҳукумрон давлат мафкурасига мос ўзгаришларни амалга

оширишга киришилди. Шу асосида ўлкадаги мавжуд ўқув даргоҳлари ўрнига совет мактабларини ташкил қилишга киришди. Совет давлати томонидан бир қатор чора – тадбирларнинг амалга оширилиши, аввало маҳаллий аҳоли орасидан чиққан халқ таълими ходимлари, маданият арбобларининг зўр бериб ишлаши натижасида 20 - йилларнинг биринчи ярмида республика ҳудудида маданий ҳаёт ҳукумрон мафкурага хос янги кўринишда қарор топа бориб, аҳолининг бутун ҳаётини қамраб ола бошлади.

МУҲОКАМА

1920 йил 30 октябрда Бутун Россия Ижроия қўмитаси Турк - комиссияси РСФСР халқ камиссарлари советининг қўшма мажлисида Бухоро республикасидаги маориф масаласи муҳокама қилинди. Унда Бухоро республикаси ҳудудида совет мактабларини ташкил қилиш, уларга болаларни жалб қилиш, ўқитувчи кадирлар таёрлаш, саводсизлик мактабларини очиш масалалари кўриб чиқилди. 1921 йилнинг ўрталарида Бухоро Халқ Совет Республикаси қарамоғида бўлган вилоят ва туманларда шу жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида ҳам маориф бўлимлари ташкил этилди. Халқ маорифи Комиссарлиги томонидан Шарқий Бухорода биринчи совет мактаблари очилган бўлса, 1922 – 1923 йилларда уларнинг сони 73 тага етди. Жумладан Қаршида 10 та, Термизда 3та, Шахрисабизда 5та, Ғузорда 5 та мактаблар фаолияти йўлга қўйилди[1].

БХСР ҳукимати маданият ва маориф соҳаларини катта эътибор қаратди. Бу борада БХСР ҳукумати таркибида ташкил қилинган Маориф халқ нозирлиги катта роль ўйнади. БХСР маориф нозирлари сифатида 1920-1924 йилларда Бухорода жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликларнинг етакчилари бўлган, Қор Йўлдош Пўлатов (1890-1965), Абдулвоҳид Бурҳонов (1875-1934), Фитрат (1886-1938), Мусожон Саиджонов (1893-1937) фаолият кўрсатишди. Хусусан, Фитрат БХСРда маорифни ривожлантиришда катта хизмат қилди.

Бутунбухоро инқилобий қўмитасининг 1920 йил 20 октябдаги қарорида республика худудидаги барча эски мактаблар ва мадрасаларни ислоҳ қилиш ва уларда дунёвий билимларни кенгроқ ўқитишни жорий қилиш кўзда тутилди. Шу билан бир қаторда, янги типдаги мактаблар ташкил қилиш, аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. 1923 йилга келиб БХСРда янги типдаги мактаблар сони 40 та бўлган бўлса, 1924 йилда 69 та умумтаълим, 4 та мусиқий, 3 та ҳунар мактаблари, 13 та интернат фаолият курсатди. Уларда жами 5604 нафар ўқувчи таълим олди. Бироқ бу рақам мактаб ёшидаги болаларнинг фақат 3,1 фоизини ташкил қилар эди холос.

Маориф ва мактаб тизимини йўлга қўйишда энг асосий меъёрий ҳужжат БХСРнинг дастлабки маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов рахбарлигида ишлаб чиқилган “Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” (“Қоидалар”) бўлиб, нинг матни 1920 йил 29 ноябрда “Бухоро ахбори” газетаси саҳифаларида тўла ҳолича эълон қилинди. Маскур қоидаларда БХСРда маорифни йўлга қўйишнинг умумий вазифалари, мактаб маъмуриятида бошқарув, педагогик ходимларга маош тўлаш тартиби, мактабда фанларнинг ҳамда таълим- тарбиянинг асосий йўналишлари қайд этилади.

Бухоро вилояти маориф шуъбаси томонидан 1921 йилнинг январида Эски Бухорода 5 та мактаб, бутун вилоят бўйича 15 та мактаб, битта хотин-қизлар мактаби, битта ҳунар мактаби мавжутлиги хабар қилинади. 1922 йилда шу каби мактабларни сонини 80 тагача етказиш режаси қайд қилинган. Айни шу даврда 5 жойда кечки курслар ҳам фаолият олиб бориб, улардан биттасида форс, турк, рус, немис тилларида таълим берилиб, 120 киши таълим олган экан.

1921-1922 ўқув йилидан бошлаб Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллим очилган. Дорулмуаллиминда ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, аҳзори - сирқи бўлим ҳам мавжуд эди. Дорулмуаллимин тайёрлов бўлимига қабул қилинадиган ўқувчи - талабалар ёши 15 дан кам, 22 ёшдан катта бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. “Дорулмуаллиминнинг очилиши илм ва маориф йўлида биринчи одимдир. Бухоронинг истиқболи ва саодати учун дорулмуаллиминнинг яшамоғи лозимдир. Бунга ҳукумат аҳамият бериб, бунинг яшамоғини таъмин этиш керакдир”, деб ёзилади “Бухоро ахбори” газетасида. Унда таҳсил олиш учун БХСР нинг 10 та влоятидан ёшлар тўпланган. 1921- 1922 ўқув йилида Янги Чоржўй шаҳрида иккинчи дорулмуаллимин ҳам иш бошлади.

“Янги Чоржўйда собиқ амир ҳукумати тарафидан солинган Николай гимназияси (Россия подшоси Николай номи билан аталган) ўқув юрти биносида ўткан сана (1921) дорулмуаллимин иш бошлаған эди. Бунга маориф назорати тамонидан Файзулло Хўжаев исми берилиб, очилиш маросимида ҳукумат бошлиқлари қатнашди”- дейилади газета хабарларида. Ўқув даргохига қўшни туркий республикалардан (Татаристон АССР, Бошқирдистон АССР, Туркистон АССР) педагог муаллимлар ишлаш учун таклиф қилинган. Бироқ БХСР маориф тизимида фаолият кўрсатган ушбу вакиллар турли сабаблар туфайли орадан кўп ўтмасдан ўз ватанларига қайтиб кетишган[2]. Хуллас энг аввало шўро мактаблари таълим тизимида тарбияланувчиларнинг миллий хусусиятларига, уларнинг маънавиятини ўтмиш мероклари асосида шакиллантиришга жиддий эътибор берилмади.

БХСР даги иқтисодий ҳолат нихоятда оғир аҳолда бўлишига қарамасдан маорифга бюджетдан 1000 000 сўмга яқин пул берилди. Шарқий Бухорода муаллимлар семинари очилди, 30 000 нусха дарслик сотиб олинди ва 6000 дарслик мустақил равишда нашр этилди. БХСР да янги совет мактабларини барпо этиш ва болаларни эски усул мактабларга бориб ўқиш заруратидан холос қилмоқ учун мумкин қадар купроқ болаларни янги мактабларга тортиш керак эди. Бу соҳада жуда куп ҳолларда иш шу даражага бориб етдики, ҳукумат ўқиб турган болаларнинг ота оналари учун бир қанча имтиёзлар беришга мажбур бўлди. Яна бир ачинарли ҳолат ўғил болаларни ёшлигидан уйлатириш қизларни ёшлайин турмушга чиқариш ҳолатлари куп такрорланган [3].

Бухоронинг ҳар бир вилоятида 1-2 та саводсизликни битириш курслари очилди. Бутун Қизил Армия саводсизликни тугатиш мактабларида ўқитилди. Мисол учун Самарқандда 5 сонли 7 йиллик мактаб ўқувчиси Зубаиров М. Эски Бухорога татилга келиб, БХСР маорифи томонидан қизил армиячиларни ўқитиш учун “Ситорои Махи Хоссага” ўқитувчи этиб тайинланди.[4]

НАТИЖАЛАР

Бухорода маорифни ривожлантириш учун РСФСР билан ўзаро иқтисодий ва маданий дўслик алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Маданиятимиз ва халқ маорифининг чинакам жонкуяри бўлган Файзулла Хўжаевнинг 1923 йил мартида РСФСР Маорифи Халқ Комиссари Анатолий, Васильевич Луначарскийга ёзган тарихий бир мактубида бухоролик 11 нафар ёшни турлий мутахассислик бўйича Москвага ўқишга юбораётганлиги, уларни ўзлари хохлаган ўқишларига жойлаштирилиб қўйишда, ётоқхона, кийим-кечак, озиқ – овқат ва ўқув қуроллари билан таъминлашда ёрдам кўрсатиши сўралади. Бу вақтда яна бир янгилик Бухоро хотин- қизлари ҳам ўқишга жалб қилинди. Унда ўқиш учун 22 маҳаллий ўзбек хотин-қизлари юборилди. Бу тадбир Бухоро хотин-қизлар ҳаётида катта бир воқеа бўлди. Шунингдек Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетига Бухородан 10 та қиз ўқишга юборилди. 1924 йил Москвада ўзбек ва рус тилларида ойлик ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий характердаги “Бухоро турмуши” – “Бухарская жизнь” журнали ҳам нашр этилди. Юсуфзода Абдуроим муҳаррирлигида чиқарилган мазкур журналнинг иккинчи қўшма сони (март-апрель, 1924 йил) чоп этилган. Шуни айтиш керакки,Туркистон ўлкасида илм-фанни, маданиятни ривожлантириш учун мусулмон Шарқининг Станбул, Қоҳира, Анқара каби шаҳарларида (инқилобдан аввал ва кейин ҳам) Абдурауф Фитрат, Миёнбузруг Солиҳов, Соид Хўжаев, Мулло Бекжон Раҳмонов, Саттор

Жабборов, Ғозиолим Юнусов каби ўнлаб истеъдод эгалари ўқиб келадилар. Бироқ хорижда (Туркия, Миср, Германия) ўқиб келган юзлаб истеъдод эгаларининг тақдири қатоғон йиллари фожиа билан тугалланди. 1923 йилда Бухоро Республикасида 32 та бошланғич ва ўрта мактаб, 11та болалар уйи педагогика курси ҳунар мактаби тўртта музика мактаби, иккита ўқитувчилар институти ишлаб турди. “Москвада Бухоро болалари маориф ўйида 110 ўқувчи Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарлари ва хорижий мамлакатларда 76 киши ўқимоқда эди. 1923 йилда педагогика курсларни битирган 70 киши вилоятларда Совет типидаги мактаблар очиш учун юборилди. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган дастлабки натижаларда албатта Файзулла Хўжаевнинг салмоқли ҳиссаси бор”.Файзулла Хўжаев Туркистон ва Бухоро воҳасида илм- маърифатнинг айниқса маориф ва маданиятнинг тараққий этишида алоҳида аҳамият беради. Бухоро Халқ Шўролар Жумхурияти Нозирлар Кенгашининг Раиси Файзулла Хўжаев ташаббуси билан бухоролик, туркистонлик ва хоразмлик ёшлар 1922- 1923 Москвада Кавказда, Тошкентда ва хорижий мамлакатларда таҳсил олишлари учун ўқишга юуборилди. Германияда тахсил олувчи йигит ва қизлар учун Берлинда ўзбек тилида “ Ковёний” босмахонаси ташкил этилиб, у ерда ёзувчи Садриддин Айнийнинг “Қиз бола ёки Холида” Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи” номли асари ва Абдулвохид Бурхоновнинг шеърий тупламлари араб алифбосида ўзбек тилида чоп этилган.[5]

ХУЛОСА

Хуллас, Бухоро Халқ Совет Республикасида 1920-1924 йилларда кечкан сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар Бухоро аҳолиси ҳаётига кескин таъсир кўрсатди, лекин маҳаллий аҳолининг манфаатлари инобатга олинмада.

Бухоро амирлик ҳукуматидан оғир мерос бўлиб қолган кўплаб хатолар тузатилди, янги ҳукумат ўзининг ислохотлари билан БХСРда демокиратик ўзгаришларни амалга оширишга киришди. Шўро тузуми йилларида ўқувчилар онгига фақат коммунистик партия ғояларига содиқлик, унинг топшириқларини сўзсиз бажариш лозимлиги уқтириб келинди. Яна ўқувчилар қишлоқ - хўжалик ишларида мажбурий меҳнатига сафарбар этилган.

REFERENCES

1. Ҳ. Жўраев.(2019). XX аср бошларида Бухорода хотин - қизлар ҳаракати (1920 - 1924). Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим муаммоси ва ечимлари.1. 239

2. Ҳ. Жўраев.(2019). Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий театр ва кино саъати (1920 - 1924йй). ҚарДУ хабарлари. 1.48
3. Toshev, Solejon Ahmadjonovich.(2020). Туркияда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон совет даври тарихи бўйича тадқиқот олиб борган ташкилотлар тарихидан. International European Conference Science, Research.1.76-79
4. Тошев, Солежон Аҳматжонович.(2020). Ўзбекистон совет мустамлакачилик даври тарихининг Туркияда ўрганилиши. Ўтмишга назар.2(2-махсус сон). 347-353
5. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.
6. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442
7. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
8. Javlonbek Rayimnazarovich Begaliyev. (2020). XIVA XONLIGI TARIXSHUNOSLIGI. Science and Education. 1 (6), 153-160.
9. Nasirov Otabek., Usmanov Farhod, & Begaliyev Javlonbek. (2020). Order of Creation of Joint-Stock Companies in Turkestan in the Late XIX -Early XX Centuries and Participation of Foreign Capital in It. International Journal of Psychological Rehabilitation 24 (7), 8034-8042
10. Toshtemirova S. A. (2019). KLASTER YONDASHUVI ASOSIDA MINTAQAVIY TA'LIM TIZIMINI BOSHQARISH. NamDU ilmiy axborotnomasi. Volume 1 Issue 11. 361.
11. Тошев, С. (2020). Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилиги даври тарихини ўрганишда турк тилидаги манбаларни ўрни. In Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари (pp. 121-127)
12. Ш.Б. Жумаева Ж.Н. Абдурахманова.(2020). Жемчужина Узбекистана: история Свято-Георгиевского храма. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА. 5-3 (64)
13. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.
14. Toshtemirova, C., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // «Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development» collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Актубе. P. 17-23.

15. Н.С.Кенжаева (2019). Вклад российских ученых в изучение Памира и Припамирья в составе Таджикской комплексной экспедиции 1932 года // Гуманитарное измерение в истории российско-узбекистанских связей. С. 79-86.
16. Abdurakhmanova, S.B. Jumaeva, U.K. Ismailov (2020). The Importance of Shrines in The Spiritual Life and Mentality of Uzbek People // International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24 (09) 2389- 2398.
17. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111.
18. Ж.Н. Абдурахманова. (2018). Таълим тизимидаги қатағонлик сиёсати ва унинг ўрганилиши (1925 – 1940 йиллар). ЎзМУ Тарих факультети “Марказий Осиё тарихи, археологияси ва этнологияси масалалари” мавзусидаги илмий мақолалар тўплами. 1(3). 4
19. Абдурахманова Номозовна Жуммагул. (2020). Туркистон иқтисодий кенгашининг ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири. Ўтмишга назар. 1(махсус сон).63-67
20. Nasirov Otabek., Usmanov Farhod, & Begaliyev Javlonbek. (2020). Order of Creation of Joint-Stock Companies in Turkestan in the Late XIX -Early XX Centuries and Participation of Foreign Capital in It. International Journal of Psychological Rehabilitation 24 (7), 8034-8042